



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Норқулов.Ш.М

*ЖДПУ Спорт Турларини ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада Мутахассис томонидан олиб борилаётган муаммолар ва ютуқларни ўрганиш юзасидан дастлаб мавжуд камчиликларнинг сабаблари аниқланиб, талабалар ва ўқитувчилар билимини таҳлил этиш, ДТС, дастур, дарсликлар, илмий жиҳатдан таҳлил этилиб хулоса чиқариш, уларни ишлаб чиқилган режа асосида бартараф этиш юзасидан илмий педагогик тажриба-синов ишларини олиб борилиши зарур.

Ключи слова: Жисмоний тарбия ва спорт, Жисмоний маданият ва спорт, ДТС, дастур, дарсликлар.

Ўзбекистон Республикасида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг (янги таҳрири), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор ва қонунлар қабул қилинган.

Қонун ва қонуности ҳужжатларда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юкори малакали кадрларни тайёрлаш; болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини узлуксиз таълим тизимида ривожлантириш учун барча таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича методистлар фаолиятини йўлга қуйиш мақсадга мувофиқ. Йўналиши бўйича фаолият олиб бораётган методистларнинг вазифаси сифатида таълим олувчилар ва соҳа ўқитувчиларининг фаолиятдаги кунлик, ойлик, чорак ва йиллик ўқув



юкламадаги камчилик ва ютуқларни ўз вақтида мониторинг қилиб, ютуқ ва камчиликлар устида тажриба-синов ишларини олиб бориш керак.

Мутахассис томонидан олиб борилаётган муаммолар ва ютуқларни ўрганиш юзасидан дастлаб мавжуд камчиликларнинг сабаблари аниқланиб, талабалар ва ўқитувчилар билимини таҳлил этиш, ДТС, дастур, дарсликлар, илмий жиҳатдан таҳлил этилиб хулоса чиқариш, уларни ишлаб чиқилган режа асосида бартараф этиш юзасидан илмий педагогик тажриба-синов ишларини олиб борилиши зарур.

Амалда фойдаланиб келаётган Низомий номидаги Тошент давлат педагогика университетида ишлаб чиқилган I-II курс талабалари учун "Жисмоний маданият ва спорт" ўқув фани бўйича тузилган ўқув дастури тажриба-синов сифатида қўлланилиб келинаётганлигини эътиборга олсак, бу ўқув дастурни тубдан замон талабларига мос равишда қайта қўриб, ишлаб чиқиш лозим.

"Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишлари"га доир дастур яратиш ва уни амалга ошириш зарур.

Қуйида дастурни яратиш ва уни амалга оширишга доир вазифалар кўрсатилган:

1. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишларининг узлуксиз таълим тизимидаги мавжуд ҳолатини ўрганиш;
2. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда таълим муассасаларидаги спорт жиҳозлари ва амалий машғулотлар олиб борилиши учун шароитларнинг мавжудлигини аниқлаш;
3. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун илмий ва амалий лабораторияларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш;
4. Олий ўқув юртларидаги жисмоний тарбия кафедралари қошида спорт кубларини ташкил қилиш, уларнинг моддий таъминоти ва спорт жиҳозлари билан таъминланишини олий ўқув юртлари ҳисобидан жорий қилиш;
5. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган жисмоний маданият ва спорт фанидан машғулотлар олиб бораётган, уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчи ходимлар илмий фаолият олиб бориши кераклигининг мажбурийлигини қонун ёки қонуности ҳужжатларида расмийлаштириш;

Юқоридаги амалий йўналишлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишларининг узлуксиз таълим тизимидаги истиқболларини рўёбга чиқаришдан далолат беради.



Таджикотчиларнинг фикри бўйича жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишларининг узлуксиз таълим тизимидаги муаммолари ва истиқболларида талабалар жисмоний тарбия ва спортга етарлича фаол қатнашмасликлари, уларда жисмоний қобилиятларини ишга солиш кўникмаларига эга бўлиш, ижтимоий, фуқаролик бурчларини адо этиш, шахсий имкониятларини намоён қилиш ривожланмаганлиги каби омиллар билан изоҳланди.

Кузатувлардан маълум бўлдики, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишларининг узлуксиз таълим тизимидаги муаммолари ва истиқболлари юзасидан илмий изланишдаги мутахассислар учун шароитларнинг ҳамда мутахассисларнинг спортга нисбатан қизиқишлари етарлича эмаслиги намоён бўлди.

Агар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда илмий тадқиқот ишларининг узлуксиз таълим тизимидаги муаммолари ва истиқболлари илмий педагогик жиҳатдан ўрганилса, таълим тизимида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишлар, талабаларнинг эпчиллиги, чاقқонлиги, тезкорлиги, кучлилиги ва эгилувчанлиги каби жисмоний сифатлари ошади, спортчиларимизнинг жаҳон ареналаридаги натижалари ортади, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятидаги барқарорлик сезиларли даражада кучайди. Хулоса қилиб айтганда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги илмий изланишларнинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг генофондини соғлом сақлаб қолиш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш ва маънавий иммунитетини оширишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев м.ж., олимов м.с., тўхтабоев н.т. енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси. Дарслик. “баркамол файз медиа” нашриёти тошкент-2017 й.
2. Нормуродов а.н. енгил атлетика. Тошкент ўқув-услубий қўлланма. Тошдши 2002 йил.
3. Ниёзов И. Енгил атлетика. Фарғона: Ўқув қўлланма. Фарғона нашриёти 2005 йил.
Юнусова Ю.М. Основы методики физической культуры. Учебное пособие Ташкент УзГосИФК2005 г
4. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Turli yoshdagi kurashchilarda jismoniy sifatlarining... res kon 27.11.2023. 300-302.
5. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Sambo kurashi shug`illanish jarayonida og`ir sport turlari bilan birga jismoniy mashqlar res kon. mart 2023. 470-472.
6. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Tarbiyalashda kurashning ahamiyati...res kon. 27-11-2023. 297-299.



7. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Kurashish san'ati va rivojlanish bosqichlari. 101-105. 10.5281/zenodo.7676518.
8. Jumadurdiyev, Bahodir. (2022). Belbog'li kurash sport turiga o'quvchilarni saralash tizimi va mazmuni. 84-86.
9. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Kurash sportining o'rni va ahamiyati. 3. 113-119. 10.5281/zenodo.7824990.
10. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Milliy kurashning ommaviylashivida xalq bohodirlarining o'rni... OAK ekonom.2023.
11. Jumadurdiyev, Bahodir. (2022). Mil kurashning rivoj tar va rivoj bos... Xal kon noyabr. 571-575.
12. Tilakov, A. A. (2023). Kurash tarixini ilmiy isbotlari. Uzbek scholar journal, 23, 16-19.
13. Tilakov, A. A. (2023). Zamonaviy sport-kurash qoidalarini pedagogik talqini. Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali, 3(12), 60-62.
14. Tilakov, A. (2023). Kurash haqida buyuk allomalar, shoh va shoirlarning qarashlari. Евразийский журнал академических исследований, (4Part2), 127-131.
15. Tilakov, Alisher. (2023). Mental enlightenment scientific - methodological journal dynamics of manifestation of a number of parameters of lopsided throws of a dummy through the chest among wrestlers under normal conditions and against the background of the aftereffect of vestibulokinetic load. 194-195. 10.37547/mesmj-
16. Tilakov, Alisher. (2023). Ёш курашчиларга техник ҳаракатлар турларини ўргатиш методлари. 1-2.
17. Tilakov, Alisher. (2023). Kurash Madaniyatining Shakillanishi jarayonlari masalalari.
18. Tilakov, Alisher. (2023). Kurash to'garaklariga yosh bolalarni (qizlarni) jalb qilish metodlari.
19. Komilov, Aziz. (2024). Eurasian journal of academic research o'zbek kurashi paydo bo'lishi va qoidalari. 10.5281/zenodo.7825002.
20. Komilov, Aziz. (2024). Yosh sambo kurashchilarning boshlang'ich.
21. Komilov, Aziz. (2024). Kurashchilarning texnik taktik mahoratini tarbiyalash.
22. Komilov, Aziz. (2023). Kurash qoidalari va xususiyatlari OAK 2023-dek. 178-180.
23. Komilov, Aziz. (2024). aziz 1-res kon 27.11.2023.